

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 45 (6163).

4

МАРТ

ШАНБА

1978 йил.

Баҳоси 2 тийин.

«СОЮЗ-28», «САЛЮТ-6» — «СОЮЗ-27»: ТУТАШТИРИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАР-
КАЗИ, 3 март. (ТАСС). «Со-
юз-28» космик кемаси Мос-
ква вақти билан соат 14 га қа-
дар Ер атрофини ўн уч мар-
та айланиб чиқди. Биринчи ра-
диолока сеансида космонавт-
лар Алексей Губарев ва Вла-
димир Ремек «Союз-28» кема-
сини «Салют-6» — «Союз-27» ор-
битал комплексига қўйишга тай-
ёргарлик таъминлаш бўлими-
га тайёрлаш программасини ба-
жаришга киришганликлари-
ни маълум қилди.

«Союз-28» кемасининг ҳа-
рат траекторияси тўғрисида кў-
йилгандан кейин кема орби-
тасининг параметрлари қўйи-
лган:

- Ер юзидан максимал олис-
лиги — 309 километр;
- Ер юзидан минимал
олислиги 269 километр;
- айланиш даври 90 минут;
- оғиш 51,6 градус.

«Салют-6» — «Союз-27» кос-
мик илмий-тадқиқот комплек-
си экипажи орбита бўйлаб
учаётганлигига ўн икки ҳафта

тўлай деб қолди. Бугун космо-
навтлар Юрий Романенко ва Ге-
оргий Гречко станцияни «Со-
юз-28» кемаси билан туташти-
ришга тайёрламоқдалар.

«Салют-6» — «Союз-27» ор-
битал комплексининг ва «Со-
юз-28» космик кемасининг
учиш плаништирилган про-
граммага тўла мувофиқ ра-
вида ўтмоқда.

Романенко, Гречко, Губарев
ва Ремек ўртоқлар ўзларини
яқин ҳис этмоқдалар.

программасида қатнашувчи бошқа мамлакатлар граждани-
ларининг космосга учиб қолганлиги белгиланган.

«Союз-28» кемасининг учиши «Салют-6» — «Союз-27» ор-
битал илмий комплекс билан туташиб, космосда 1977 йил 10
декабрдан бери ишлатилган космонавтлар Романенко ва Греч-
ко билан биргаликда тадқиқотлар ўтказишни назарда тутди.
Космонавтлар ўзларини яқин ҳис этмоқдалар, кема ичида-
ги системалар нормал ишлаб турибди.

«Союз-28» кемасининг экипажи — Губарев ва Ремек ўртоқ-
лар учини программасини бажаришга киришди.

«Интеркосмос» программаси 1967 йилда қабул қилинган
вақтдан бери ўтган давр ичида программалар қатнашувчи мам-
лакатларнинг олимлари ва мутахассислари Ернинг совет су-
ғи йўлдошлари ва тадқиқот ракеталари ёрдамида космик фа-
зонинг физикавий хусусиятларини ўрганиш, космос метеоро-
логияси, алоқаси, биологияси ва медицинаси ҳамда Ернинг
табiiри ресурсларини ўрганиш соҳаларида биргаликда катта
ишларни бажарди. Бу ишлар космос тўғрисидаги фанга ва
космонавтика ютуқларидан амалий мақсадларда фойдаланиш-
га салмоқли ҳисса қўшди.

Социалистик мамлакатлар космонавтиларининг биргаликдаги
учишлари космонавтика ривожига янги саҳифа очди. Совет
Иттифоқида бошланган космик фазони фан ва халқ ҳўжалиги
инфратлари йўлида ўзлаштиришда социалистик мамлакатлар
иштинроқининг кенгайиш кардош халқларнинг социалистик
интеграцияси амалга оширишда муваффақиятли ҳамкорлик
қилаётганликларининг намунаси, улар би-бири билан тобора
яқинлашиб бораётганлигининг далилидир.

САМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

«Ғалаба» ордени билан мукофотланишим муно-
сабати билан партия ташкилотларидан, комму-
нистлардан, кўпгина совет кишиларидан ва чет
эллардан астойдил, самимий қўлловлар изҳор этил-
ган кўплаб хат ва телеграммалар олдм. Бу хат
ва телеграммаларга алоҳида-алоҳида жавоб қай-
тариш имконияти бўлмагани учун шу кунларда
менга эзгу тилаклар изҳор этган ҳамма кишилар-
га «Правда» газетаси орқали сизидилдан миннат-
дорчилик билдирмоқчиман.

Уларнинг хатларида баён этилган фикрлар совет
кишилари учун фахрлиниш тўйгуларини уйғотади.
Улар 1945 йилнинг зафарли майини эслаб, партия-
нинг мамлакат мудоффа қобилиятини мустаҳкам-
лаш, планетамизда бузилмас мустаҳкам тинчликни
қарор топтириш соҳасидаги муваффақиятли куч-
гайратлари тўғрисида қизгин манфаатдорлик бил-
дан ёзибдилар. Улар социалистик Ватани ҳар то-
монлама мустаҳкамлаш тўғрисида граждандарга
хос ҳақиқий ғамхўрлик, амалий ғамхўрлик қил-
моқдалар.

Граждандар уруши ва Улуғ Ватан уруши вете-
ранларининг сўзлари, олис ва бениҳоя қийин уруш
йўлларини бирга босиб ўтган жанговар ўртоқлар-
нинг қўлловлари бениҳоя завқ бахш этади.

Менинг ҳаётимдаги ана шу катта воқеа хусуси-
да гоит самимий фикрлар билдирган кардош со-
циалистик давлатларнинг, Коммунистик ва илмий
партияларнинг, озодликка чиққан мамлакатлар-
нинг раҳбарларига жуда сизидилдан ташаккур
айтаман.

Чет эллардаги сиёсий ва жамоат арбоблари,
ташкilotлар ва граждандар менинг халқаро му-
ҳитни соғломлаштиришга ва кескинлигини юмша-
тиш жараёнини ривожлантиришга қўшаётган ҳис-
самга юксак баҳо берганликлари учун улардан ас-
тойдил миннатдорман. Бу баҳони мен батамом
партиямиз билан Совет давлатимизнинг доимо
тинчлик ва социализм манфаатларини ҳимоя қи-
лишга бўйсундирилган ва бундан буён ҳам бўй-
сундириладиган одилона, ҳалол сиёсатига берил-
ган баҳо деб биламан.

Партиянинг кўп қиррали фаолияти шу қадар
актив маъқулланганлигини, менга ишда янги му-
ваффақиятлар тилаб билдирилган истакларни юк-
сақ масъулият туйғуси билан келажак учун берил-
ган ўзинга хос наказ деб қабул қиламан. Бундан
буён ҳам бутун кучимни улў коммунистик иде-
алларнинг бундан буёнги тантанасига, бутун дунё-
да тинчлик ишига сарфлай бераман, деб яна бир
бор таъкидлашни истайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

ТАСС АХБОРОТИ «СОЮЗ-28» КОСМИК КЕМАСИНИ ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ БОШҚАРМОҚДА

1978 йил 2 март кунин Москва вақти билан соат
18 дан 28 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз-
28» космик кемаси учирилди.

Ер атрофи орбитасига чиқарилган совет космик
кемасини халқаро экипаж: кема командири Совет
Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт учу-
вчиси Алексей Губарев билан тадқиқотчи космонавт,
ЧССР граждани Владимир Ремек бошқармоқда.

«Союз-28» космик кемасининг учирилиши билан космик
фазони тадқиқ қилиш ва ундан тинч мақсадларда фойдала-
нишни янги босқичи очилмоқда. Бу эса «Интеркосмос»
ҳамкорлик программасига мувофиқ социалистик мамлакат-
лар билан биргаликда ўтказилмоқда. Ушбу программани

амалга оширишда Болгария Халқ Республикаси, Венгрия
Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси,
Куба Республикаси, Монголия Халқ Республикаси,
Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Рес-
публикаси, Совет Социалистик Республикалари Итти-
фоқи ва Чехословакия Социалистик Республикаси қатнаш-
моқда.

«Интеркосмос» программасида 1978 йилда «Союз» типда-
ги космик кемаларни учираш, уларнинг экипажлари Польша
Халқ Республикаси ва Германия Демократик Республикаси
вакиллариини қиритиш ҳам кўзда тутилган. Социалистик мам-
лакатларнинг космонавтлари «Салют-6» станцияси базасидаги
орбитал комплекс илмий ва техникавий тадқиқотлари-
нинг яқит программаси доирасида ҳамма ва мураккаблиги
орбит борадиган вазифаларни бажаредилар. «Интеркосмос»

«СОЮЗ-28» КЕМАСИНИНГ КОМАНДИРИ ПОЛКОВНИК АЛЕКСЕЙ АЛЕКСАНДРОВИЧ ГУБАРЕВ



Совет Иттифоқи Қаҳрамони,
СССРнинг космонавт учувчиси
Алексей Александрович Губа-
рев 1931 йил 29 мартда Куйби-
шев область Борский райони-
да Гвардейци қишлоғида ту-
лиди.

А. А. Губарев 1950 йилдан
бери Совет Қуролли Кучлари
сафида, 1952 йилда авиация би-
лим юртини тамомлагач, Ҳар-
бий Денгиз Флоти авиация
қисмларида хизмат қилди.

1957 йилда у Қизил Байроқ
орденли Ҳарбий-ҳаво академия-
сига (ҳозирги Ю. А. Гагарин
номли академияга) ўқишга кир-
ди, уни тамомлаб, авиация
қисмларидаги хизматни давом
эттирди. Авиация полки эскад-
риясида командирлик қилди,
«Биринчи класс Ҳарбий учу-
вчи» малакасини олди.

Алексей Александрович 1957
йилдан бери Совет Иттифоқи
Коммунистик партиясининг
аъзоси.

А. А. Губарев совет космо-
навтлари отрядига 1963 йилда
қабул қилинди. У 1975 йилда
«Союз-17» кемасининг ва
«Салют-4» орбитал илмий стан-
циясининг командири сифатида
биринчи бор космосга парвоз
қилиб, ўттиз кун учди.

А. А. Губарев «Интеркос-
мос» бошқарилмадиган учуш
программасига м у о ф и қ
«Союз» кемаларида ва «Салют»
орбитал станциясида халқаро
экипаж составида тайёргарлик-
дан ўтди.

«СОЮЗ-28» КЕМАСИНИНГ ТАДҚИҚОТЧИ КОСМОНАВТИ, КАПИТАН ВЛАДИМИР РЕМЕК



Чехословакия Социалистик
Республикасининг граждани
капитан Владимир Ремек 1948
йил 25 сентябрда Ческе — Бу-
деевице шаҳрида туғилди. У
Чехословакия Халқ Армия-
сининг Ҳарбий учувчиси.

Владимир Ремек 1966 йилда
ўрта умумий таълим мактаби-
ни тамомлагандан кейин Ко-
шице шаҳридаги олий ави-
ация билим юртига қабул қи-
лини. Уқийшнинг иккинчи йили-
да Чехословакия Коммунистик
партияси сафига кириди.

Олий авиация билим юртини
тамомлаб чиққач, лейтенант ук-
вонини олган Владимир Ремек
авиация қисмига юборилди,
бу ерда у иккинчи класс учу-
вчи малакасини олди.

1972 йилда у Совет Иттифо-
қида Ю. А. Гагарин номидаги
Ҳарбий-ҳаво академиясига
ўқишга юборилди. Владимир
Ремек академияни тамомла-
гандан сўнг Чехословакия
Халқ Армиясининг авиация
қисмида хизматни давом эт-
тирди.

1975 йилда «Ватанга хизма-
ти учун» медали билан муко-
фотланди.

1976 йилда капитан В. Ре-
мек «Интеркосмос» програм-
масига мувофиқ бошқарила-
ган космик учушга тайёргар-
лик кўриш учун ноҳодликка
танлаб олинди. У 1976 йил де-
кабрдан бошлаб Ю. А. Гага-
рин номли Космонавтлар тай-
ёрлаш марказида бошқарила-
диган «Союз» космик кема-
си ва «Салют» орбитал илмий
станцияси программасига му-
вофиқ тула таълим курсидан
ўтди.



Ўзбекистон комсомолы XXI съезди президиуми.

А. Авазов ва Р. Шамсутдинов фотоси (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИНИНГ XXI СЪЕЗДИ

ЎЗБЕКИСТОН Ленин
комсомолнинг комму-
низм идеалларига астойдил
содиқ бўлган сергайрат, та-
шаббускор, принципиал ёш-
лардан иборат икки миллион-
ли аъзоси бор. Аваляги съ-
езддан буён ўтган тўрт йил
мобайнида уларнинг ҳаётида
кўпдан-кўп унутилмас тари-
хий воқеалар содир бўлди.
Шу давр ичида республика

комсомол ташкилотни муста-
ҳкамлаш ва комсомол аъзо-
ларининг соғи кўпайди.
Республика комсомол
жанговар отрядининг вакил-
лари 3 март кўни Тошкентда
А. Навоий номи опера ва
балет театрига тўпланишди.
Улар Ўзбекистон КПСМ-
нинг XXI съезидан қатна-
шиш учун бу ерга келишди.
Съезд иштирокчилари рўй-

хатга олинаётган столлар те-
варакда меҳнат зарбдорла-
ри, социалистик мусобақа та-
шаббускорлари, илғор ишчи-
лар, пахтакорлар, макжаф-
хориқорлар, чорвадорлар,
иригаторлар, иқодкор зиё-
лилар, студентлар, ўқувчи-
ларнинг вакиллари бир-бир-
лари билан учрашдилар.
Кўп вакилларнинг кўнисида
ҳўкумат мукофотлари, ком-
сомол шон-шўхрати нишонла-
ри яқинлаб турибди. Бу эса
уларнинг меҳнатдаги хизмат-
ларини, жонсакон партия
XXV съездининг тарихий ре-
заларини муваффақиятли
амалга ошириш йўлидаги
умумхалқ курашига ёшлар-
нинг катта ҳисса қўшаётган-
лигини тасдиқлайди.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

Ҳурматли делегат ўртоқ-
лар! Ёш дўстларимиз!
Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети Ўзбеки-
стон Ленинчи Коммунистик
Ешлар Союзининг XXI съез-
ди очилиши билан сизларни
дизгин ва самимий табриқ-
лайди.

Комсомолимизнинг ҳар бир
съезди — республиканинг ик-
тимой-сиёсий ҳаётида му-
ҳим ва катта воқеадир. Бу
тағли XXI съезд алоҳида, так-
рорсиз аҳамиятга эгадир, чун-
ки у Ватанимизнинг Ленинчи
Коммунистик Ешлар Союзи-
нинг 60 йиллиги нишонлана-
диган йилда ўтмоқда.

Бизнинг съездимизга рес-
публика икки миллион киши-
лик комсомоллар армияси-
нинг, барча ёшларининг тав-
мас, шу билан бирга ком-
мунистларнинг, турли авлод-
ларга мансуб кишиларнинг
ҳам эътибори қаратилган,
сизларнинг катта ёшдаги ўр-
тоқларининг комсомол сафи-
да ҳаёт, кураш ва меҳнат са-
богини олганмиш. Комсомол-
да ёшлик биз, коммунистлар-
да бир умрда гайрат-шиқоат ва
умидворлик учкунларини
қолдирган.

Ҳозирги даврамида ҳам

миллион-миллион йигит-қиз-
лар ўз тақдирини комсомол
билан боғламоқдалар, ком-
сомол уларнинг ажойиб тар-
жиман ҳоли дебозчас бўлиб
қолган. Айни Ленин ком-
сомол, шонли ёшларининг
улўр Ватанимизнинг маъну
навбироқининг муҳасам-
лаштириб турибдилар.

Биз, коммунистлар, барча
партия ва меҳнат ветеранла-
ри ёшларимиз съездан
сўзлаб, баркамол бў-
либ бораётганлигини кўриб
ва аниқлаб қувонамиз. Биз
сизларнинг сероҳи, қувонч,
бахтиёр, лағофатли чеҳра-
ринингизга боғиб завқ оламиз.

Бу ерда, съезде, ана шу
ёруғ залда биз шонли ёшлар-
имизнинг, ишлаб чиқариш
ёш новаторларининг Омон-
гелди Исоев, Гулбаҳор Ну-
риллаева, Владимир Желез-
нов, Омонгул Илёсова, Лю-
бовь Хетай, Нодир Шалабо-
в, Владимир Гришнев, Му-
хтарам Эшонқулова, Насиба
Мамараҳимова каби кўпдан-
кўп оғи яхши рекордчи намо-
ядаларини кўриб турибмиз.

Пешқадамларимизга шон
ва паравлар бўлсин! Биз
съездимизда келган ВЛКСМ
Марказий Комитетининг сек-
ретари ўртоқ Владимир Ан-
друсевич Житеневни, азиз

юртдошимиз космонавт Вла-
димир Александрович Жоно-
бековни ҳам табриқлаймиз.

ВЛКСМ Марказий Коми-
тети — ёшларни коммуни-
стик руҳда тарбиялашда
ВЛКСМ Марказий Комитети-
нинг мустаҳкам таълиқ,
шонли ва обрўли ёрдамчи-
сидир. Биз ВЛКСМ Марка-
зий Комитети республикамиз
комсомол ташкилот фаоли-
тини яқинлаштиришда кат-
та ташкил етувчилик таъсир
ўтказиб қолганлигини доимо кў-
риб, ҳис қилиб турибмиз.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. ҒАҒУРЖОНОВ доклади

нинг ўлмас васиятла-
ҳамиша содиқ бўлган
екистон ёшлари ўз ҳаё-
порлоқ коммунистик
ллари доим қарор топ-
дилар. КПСС тарихий
/ съездининг қарорлари-
бажариш учун сабот-ма-
т ва зўр ғайрат билан
ишадилар! (Қарсақлар).

